

Хукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар доирасида 2016  
йилнинг 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида  
маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2458-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 10 та лойиҳа бўйича 88,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. Хукумат кафолати остида амалга оширилаётган мазкур лойиҳаларнинг жорий йил январь-июнь ойлари учун белгиланган маблағларни ўзлаштириш режаси 21,96 млн АҚШ долларини ташкил этиб, амалда 22,03 млн АҚШ доллари (100,31%) миқдорида иш бажарилган. Жумладан:

1. “Навоий вилоятидаги “Навоий” ва “Учқора” насос станцияларини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 38,26 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Франция Хукуматининг кредит маблағи 18,75 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 19,51 млн долларни ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 8,61 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100,5 фоизга бажарилган.

2. “Наманган вилоятидаги “Кукумбой” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 11,41 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 3,89 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 7,52 млн долларни ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июнь ойлари учун маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

3. “Навоий вилоятидаги “Кенимех-1” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 19,66 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 5,041 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 14,62 млн долларини ташкил этади. Лойиҳада жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

4. “Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш” лойиҳасининг умумий қиймати 144,2 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, 90,37 млн доллари Ислон Тараққиёт Банки кредити, қолган қисми эса Ўзбекистон ҳукуматининг улушидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 1,892 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 1,9 млн АҚШ доллари (100,42%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган.

5. “Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш” лойиҳасининг умумий қиймати 406,29 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Осие Тараққиёт Банки кредити 216,75 млн долларни, Япониянинг ЛСА фондининг маблағи 108,97 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 80,57 млн долларни ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 1,28 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 1,3 млн доллар (101,56%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

6. “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳасининг умумий қиймати 376,714 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 115,924 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 260,79 млн доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 10,0 млн доллар миқдордаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич тўлиқ бажарилган.

7. “Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларини каналлар ва коллекторларни тозалаш учун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,16 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 11,06 млн доллари Хитой ҳукумати қарз маблағларидир. Лойиҳа доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

8. “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққоччиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳасининг умумий қиймати 122,72 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 0,18 млн доллар миқдордаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич тўлиқ бажарилган.

9. “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич” лойиҳасининг умумий қиймати 263,73 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 52,33 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 211,4 млн доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. Лойиҳа доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

10. “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини қуриш” лойиҳасининг умумий қиймати 21,23 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 6,95 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. Лойиҳада жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

11. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II-босқич” лойиҳасининг умумий қиймати 131,65 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 103,42 млн доллари Жаҳон Банки қарзи, 11,98 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса бенифициарларнинг улушидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 6,42 млн АҚШ доллари миқдордаги маблағни жалб этиш ва ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.

12. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасининг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 150,0 млн доллари Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки улуши, 34,20 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса лойиҳа ташаббускорларининг улушидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 2,861 млн АҚШ доллари миқдордаги маблағни жалб

этиш ва ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.

13. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 28,33 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 20,44 млн доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси улуши, 1,67 млн АҚШ доллари Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши, 5,24 млн доллари бенифициарлар улушидир.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 2,86 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш ва ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич тўлиқ бажарилган.

**Ахборот хизмати**